



ТУМАН-ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҲБАРНИНГ ЎРНИ

М.Ш.Қўнғротов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Магистратура “Ташкилий-тактик бошқарув”
мутахассислиги 3-гуруҳ тингловчиси
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14913879>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 23rd February 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда раҳбарий назорат алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби, бир томондан тезкор-қидирув фаолияти махсус фаолият тури сифатида яширин куч ва воситалар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи томондан фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотларининг улар фаолияти устидан назорат қилиш имкониятини чеклайди. Шу боисдан, тезкор-қидирув фаолиятига раҳбарлик қилувчи туман-шаҳар ички ишлар бўлими бошлиқлари томонидан улар фаолиятини назорат қилиш маълум даражада ўзига хос қийинчилик туғдиради.

Раҳбарий назорат тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлиги, асослилиги ва самарадорлигини баҳолаш ва ноқонуний қарор қабул қилинишига йўл қўймаслик, жисмоний¹ ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, раҳбарга тезкор-қидирув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ мустақил қарорлар қабул қилишни ўз ичига² олади.

Раҳбарий назорат – тезкор-қидирув бўлинмалари раҳбарларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш фаолиятнинг қонунийлигини назорат қилиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий таъминлаш бўйича асосий фаолият турларидан бири ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасининг 4-қисмига асосан тезкор-қидирув фаолияти натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорга махсус воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар қўшилган ҳолда тақдим этилади. Тақдим этиладиган материалларнинг тури, тоифаси ва ҳажми тезкор-қидирув фаолиятини амалга

¹ Абдуллаев Ф., Сафиддинов А. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тушунчаси ва унинг моҳияти //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 263-272.

² Киличев Х. Гражданско-правовая ответственность схода граждан и проблемы их обеспечения //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2/S. – С. 224-232.

оширувчи орган раҳбари томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгиланади.³ [1]

Ушбу қонуннинг 16-моддаси 2-қисмида “кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослангилган қарор асосида⁴ йўл қўйилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилиниши⁵” қонуний аксини топган. [2]

Туман-шаҳар ички ишлар бўлими бошлиқларининг тезкор-қидирув хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш борасида рус олими Д.В.Свиновнинг фикрича, “Бошқарув фаолияти соҳасидаги қўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра раҳбарнинг функцияларини ўрганиш, ҳар қандай тезкор-қидирув фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ва шунингдек муаммони ҳал қилишда фундаментал аҳамиятга эгаллигини⁶ [3] таъкидласа, ҳуқуқшунос С.И.Зуев эса “Жиноятни фош қилишда тезкор-қидирув воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда жиноят белгиларини ўз ичига олган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни аниқлаш (далилларни йиғиш, ҳужжатлаштириш, рўйхатга олиш ва ҳоказо) борасида раҳбарнинг оператив ташкилотчилигига ва текзор қарор қабул қилиш фаолиятига чамбарчас боғлиқ⁷” деб ҳисоблайди. [4]

Ф.Б.Бобомуродовнинг талқинича, “Кодекслаштирилган қонун нормаларини таҳлили асосида ушбу қонун нормаларида ички ишлар органларида тезкор бўлинмаларининг фаолияти ҳам маъмурий-ҳуқуқий, ҳам жинойий-ҳуқуқий таъминланиши, тезкор бўлинмаларнинг ҳаракатлари, яъни ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилиши⁸ [4] деб таъкидлайди.

Таниқли олимлар А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеевларнинг фикрича “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг ўзи мавжудлиги ва ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида фикр юритишга ва тезкор ҳаракатларни ўтказиш тартиби жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши кераклигин, тезкор-қидирув хизмати фаолиятининг тамойиллари ва вазифалари тўғрисидаги қоидалар қонунчилик билан тўлиқ қамраб олинмаганлигин (қонун бўшлиғи) ва илмий, ўқув ҳамда услубий адабиётларда баён қилиниши билан ёритилишини, тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал фаолиятни ажратиш ҳуқуқий муносабатларга ҳар доим мос келавермайди⁹ деган илмий мунозарани илгари суради. [5]

Юқорида илгари сурилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, туман-шаҳар ички ишлар бўлими бошлиқларининг тезкор-қидирув хизмати фаолияти устида назоратни амалга оширишни қуйидаги асосий шаклларга бўлишимиз мумкин.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/2107763>. (Мурожаат вақти: 20.01.2025 й.)

⁴ Киличев Х. Хорижий давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари (киёсий-ҳуқуқий таҳлил) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 876-884.

⁵ Ўша манба. (Мурожаат вақти: 20.01.2025 й.)

⁶ Д.В.Свинов К вопросу об оперативно-розыскных функциях руководителя территориального органа внутренних дел. // Вестник Сибирского юридического института МВД России. 2021.3.37/ <https://cyberleninka.ru/article> (Дата обращения: 25.01.2025 г.)

⁷ С.И.Зуев Основы оперативно-розыскной деятельности Курс лекций. Южно-Уральский государственный университет. Челябинск 2018 С. 18. <https://cyberleninka.ru/article> (Дата обращения: 25.01.2025 г.)

⁸ Ф.Б.Бобомуродов. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг мазмун-моҳияти ва таҳлили. /Journal of Advanced Research and Stability Volume: 03 Issue: 01 | Jan – 2023. Б. – 308. (Мурожаат вақти: 22.01.2025 й.)

⁹ Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига шарҳ: – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 236. (Мурожаат вақти: 30.01.2025 й.)

- 1) мансабдор шахсни тезкор-қидирув хизмати фаолиятини амалга ошириш зарурлиги ва асослилигини тасдиқловчи тезкор ва хизмат ҳужжатлари билан шахсан таништириш;
- 2) тезкор-қидирув хизмати бўлинма бошлиғининг тезкор-қидирув хизмати тадбирларини ўтказишда ёки уларнинг бориши ва бажарилишини назорат қилишда шахсан иштирок этиши, сўнгра, қоида тариқасида, ёзма кўрсатмалар бериш;
- 3) тезкор-қидирув хизмати йиғилишда амалга оширилган тезкор-қидирув хизмати фаолиятини таҳлил қилиш;
- 4) тезкор-қидирув хизмати фаолиятини олиб бориш самарадорлиги масалалари бўйича алоҳида тезкор ходимларни эшитиш;
- 5) жиноятларнинг олдини олиш ва очиш бўйича тезкор-қидирув хизмати фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва бошқалар.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, туман-шаҳар ички ишлар бўлими бошлиқларининг тезкор-қидирув хизмати фаолиятининг ўз назорати остида тезкор-қидирув хизматларига эга бўлган турли давлат органлари ушбу хизматларга раҳбарликни амалга оширишда фақат уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш билан чекланиб қолмаслиги керак.

Уларнинг асосий масъулияти тезкор-қидирув хизматидаги йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида қонуний бартараф этиш чораларини кўриши, тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи ходимларга раҳбар сифатида амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириши, шунингдек бутун тезкор-қидирув хизмати бўлим (бўлинма)ларнинг касбий даражасини доимий равишда оширишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф., Сафиддинов А. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тушунчаси ва унинг моҳияти // *Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya*. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 263-272.
2. Киличев Х. Гражданско-правовая ответственность схода граждан и проблемы их обеспечения // *Общество и инновации*. – 2021. – Т. 2. – №. 2/С. – С. 224-232.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/2107763>. (Мурожаат вақти: 20.01.2025 й.)
4. Киличев Х. Хорижий давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) // *Общество и инновации*. – 2021. – Т. 2. – №. 4/С. – С. 876-884.
5. Д.В.Свинов К вопросу об оперативно-розыскных функциях руководителя территориального органа внутренних дел. // *Вестник Сибирского юридического института МВД России*. 2021.3.37/ <https://cyberleninka.ru/article> (Дата обращение: 25.01.2025 г.)
6. С.И.Зуев Основы оперативно-розыскной деятельности Курс лекций. Южно-Уральский государственный университет. Челябинск 2018 С. 18. <https://cyberleninka.ru/article> (Дата обращение: 25.01.2025 г.)
7. Ф.Б.Бобомуродов. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг мазмун-моҳияти ва таҳлили. / *Journal of Advanced Research and Stability* Volume: 03 Issue: 01 | Jan – 2023. Б. – 308. (Мурожаат вақти: 22.01.2025 й.)
8. *Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т.* Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига шарҳ: – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 236. (Мурожаат вақти: 30.01.2025 й.).